

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Уз-Донг Вон Ко” АЖ шаклидаги**  
**Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасинг**  
**навбатдан ташқари акциядорлар**  
**умумий йиғилишининг**  
**“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 йилдаги**  
**\_\_\_\_\_ -сонли қарори билан**

**АКЦИЯДОРЛИК ШАКЛИДАГИ “УЗ-ДОНГ ВОН КО” УЗБЕК-КОРЕЯ**  
**ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ “ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА”**  
**НИЗОМИ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом (бундан кейин матнда - Низом) акциядорлик шаклидаги “Уз-Донг Вонг Ко” Узбек-Корея қўшма корхонасининг (бундан кейин матнда - Жамият) ижроия органи - Бош директоринининг статуси ва иш регламентини белгилаб беради.

1.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик яккабошлик асосида Бош директор томонидан Жамият Устави ва Низоми билан белгиланган ваколатга асосан амалга оширилади.

1.3. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Жамият Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги №9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамиятнинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг қорорига биноан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

2.2. Жамият Уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд Жамият Кузатув кенгашнинг қарорига кўра жамият Бош директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.3. Жамиятнинг Бош директорликга номзодлар Жамиятга жинойий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши шарт.

2.4. Бош директор лавозимига номзодлар тақдим этилаётганда, Кузатув кенгаш раиси тузилаётган шартнома шартлари, иш ҳақи миқдори, бошқарув фаолияти учун рағбатлантириш ва компенсация тўлов миқдори ҳақида хабар қилади, ва шартнома тузиш учун номзодни розилиги, номзодни шахсий аризаси билан тасдиқланади.

2.5. Жамиятнинг бош директорини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор акциядорлар умумий йиғилишида овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.6. Жамиятнинг бош директорлигига номзод шахс акциядорлар умумий йиғилишда унинг номзоди кўрилаётганда иштирок этиши мумкин.

Жамият директори номзоди сайланганда (тайинланганда) Кузатув кенгаши у билан Бош директор мажбуриятларини бажаришга бир йил муддатга шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиш билан шартнома

тузади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Жамият директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

2.8. Жорий даврда (чорак) ижроия органига мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижроия органини моддий рағбатлантириш пули миқдорини СЙКга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Жамият Кузатув кенгаши қарорига биноан ижро этувчи органнинг ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти қўлланиши мумкин.

2.9. Агар СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан ижроия органи мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдorigа нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

2.10. Агар СМКнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан ижроия органи раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

2.11. Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан ижроия органи фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса — қониқарсиз;

СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — паст даражада;

СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада эмас;

СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — ўртача даражада;

СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада;

СЙК миқдори 100 фоиздан ошса — юқори даражада.

2.12. Жамиятда ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

2.13. Шартнома шартлари бузилган тақдирда Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши Жамият Уставига асосан унга бундай ваколат берилган бўлса Бош директор билан тузилган шартномани тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.14. Бош директор Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши Жамият Уставига асосан унга бундай ваколат берилган бўлса Бош директор билан тузилган шартномани муддатидан олдин тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.15. Жамият Бош директори билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тугатиш тўғрисида қарор Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.16. Жамият Бош директори билан тузилган шартномани муддатидан олдин тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор йиғилишда иштирок этувчи Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

### **III. ИЖРОИЯ ОРГАНИ ВАКОЛАТЛАРИ**

3.1. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Бош директор қонунчилик, Жамият устави, ушбу низомга, у билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядор умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгашининг қарорларида белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қилади.

#### **3.3. Бош директорининг ҳуқуқлари:**

- Жамиятнинг директори Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, унинг манфаатларини давлат идораларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

-Банкда ва Жамиятнинг бошқа молиявий ҳужжатларида биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақалар очиш.

-компания миждозлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш ва шартномалар имзолаш

- Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ваколати доирасида Жамиятни мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

- ходимлар штатини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни йўллаш, улар билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, уларга интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва иеёрий ҳужжатларга мувофиқ Жамият ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашни (барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ва меҳнатга жалб қилиш коэффицентлари) белгилаш.

- Жамият таркибий бўлинмалари тўғрисида низомларни ва Жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

- Жамият номидан ишончномалар бериш;

- акциядорлик жамияти номидан акциядорлик жамияти тизимида кирувчи корхоналарни бошқарув органларида ўз вакилларини овоз беришда позициясини белгилаш;

- Жамиятнинг бизнес рискларини суғурталаш ва ижроия органнинг ваколатларини белгилаш;

- Жамият ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқ, фармойишлар чиқариш ва ва топшириқлар бериши;

-тасдиқлаш Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган ҳужжатлардан ташқари Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш;

-қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

#### **3.4. Бош директор мажбуриятлари:**

-Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалардан ташқари, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш;

-Давлат идораларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташки этиш;

-Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари орасида самарали ўзаро фаолиятни таъминлаш;

-Жамият шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши учун зарур бўлган ҳажмда даромад олиншини таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

-Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;

-жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг лозим даражада олиб борилишини, ишончлилигини, тегишли органларга йиллик ҳамда бошқа молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида топширилишини, ҳамда кредиторлар ва бошқа олувчиларга жамият фаолиятига оид маълумотларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

-хар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида бизнес-режани бажарилиши бўйича ҳисобот беради;

-Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ички аудити талабига кўра жамият молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни тўсиқларсиз тақдим этиш;

- тегишли органларга давлат статистик ҳисоботларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тижорат сири ҳисобланган маълумот ва ахборотларни, уларнинг мажбуриятларига бундай ахборотни учинчи шахсларга тақдим этиш киритилмас, дахлсиз сақланишини таъминлаш. Жамиятнинг тижорат сири ташкил этудиган маълумотлар рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган маълумот ва ахборотларнинг Жамият ходимлари томонидан дахлсиз сақланишини таъминлаш;

- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ чоратадбирларни кўриш, жамият ходимларининг билимлари, малакаси, тажриба ва истеъдодларини энг самарали йўл билан фойдаланишни таъминлаш;

-меҳнат интизомга риоя этилишини таъминлаш;

-жамият ходимларининг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий кафолатларига риоя этилишини таъминлаш;

- ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда қатнашиш орқали ўзнинг, шунингдек Жамият мансабдор шасларининг малака оширилишини таъминлаш;

-жамоавий музокараларда иштирок этиш, жамоа шартномаларини тузишда иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш;

-ваколатига кирадиган масалаларнинг ҳолати тўғрисида ҳисоботни акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

-акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишларида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқларига риоя қилиш;

-Жамият кузатув кенгашини Жамият томонидан тузиладиган битимда аффилианглиги тўғрисида хабардор этиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ва Жамият уставида белгиланган тартибда Жамият Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича йиғилишни чақиришни талаб этиш;

- амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.

3.5. Kompaniyaning aniq huquqlari va majburiyatlari u bilan tuzilgan shartnomada ko'rsatilgan. Жамиятнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада келишилади.

3.6. Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

#### **IV. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Жамиятнинг Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутати ва белгиланган тартибда жавобгарлик тортилади.

4.2. Жамият Бош директори ушбу лавозимда ишлаган пайтида Жамиятни махсулотни сотишда ёки хизмат кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган корхонани ташкил этишда ёки таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Жамият Бош директори Жамиятда лавозимга тайинланганидан кейин шунга ўхшаш жамиятда иштирок этишини тўхтатиши лозим ва Жамият Кузатув кенгашини бу тўхтатиш тўғрисида хабардор этиши шарт.

4.3. Жамият Бош директори жамиятда ўз фаолияти давомида харакати ва харакатсизлиги давомида етказилган зарар учун Жамият олдида амалдаги

Қонунчиликка ва Жамият уставига асосан зарарни тўлиқ қоплаш билан жавобгар бўлади.

4.4. Жамият ёки акциядор Жамиятнинг Бош директори устидан етказилган зарарни қоплаши учун судга даъво ариза билан мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

## **V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

5.1. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тасдиқланади.

5.2. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш бўйича таклифлар Жамият Кузатув кенгаши ва Ижроия органи раҳбари таклифига асосан киритилади.

5.3. Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига хилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.